



# ГРАНТ | 2, 3, 4 - босқич талабалар учун



ТОШКЕНТ  
МОЛИЯ  
ИНСТИТУТИ

**“ЭНГ ЯХШИ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА”  
“ЭНГ ЯХШИ БАНК ХИЗМАТИ ҒОЯСИ”  
“ЭНГ ЯХШИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ”**



“Хамкорбанк” ОАТБ : (+99874) 298-04-30  
Тошкент Молия институти : (+99871) 234-71-19

## ТАНЛОВ МАҚСАДИ:

Юқори ўзлаштириш кўрсаткичлари ва юксак илмий салоҳиятга эга бўлган, янгича фикрлайдиган ва интилувчан ёшларни рағбатлантириш.

Истеъдодли талабаларни танлаб олиш, уларнинг ўз билимларини чуқурлаштириш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб қувватлаш.

Талабаларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш.

Замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш, “Банк иши” бакалаврият йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларни билим олишга бўлган қизиқишларини ва фаол илмий фаолиятларини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;



## Мурожаат учун телефонлар:

“Хамкорбанк” ОАТБ : (+99874) 298-04-30  
Тошкент Молия институти: (+99871) 234-71-19

## ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Иштирокчилар танлов комиссиясига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- талабанинг танловда иштирок этиш бўйича танлов комиссияси раиси номига ёзган аризаси;
- талабанинг резюмеси;
- талабанинг таржимаи ҳоли;
- деканат томонидан тасдиқланган рейтинг дафтарчасидан кўчирма;
- талабани танловда иштирок этиши бўйича факультет деканининг тавсияси ва тавсифномаси;
- танланган мавзу бўйича эълон қилинган илмий ишнинг нусхаси (“Энг яхши битирув малакавий иши” номинацияси бўйича танловда иштирок этаётганлар учун);
- Яқуний Давлат Аттестация Комиссиясининг танловга қўйилган битирув малакавий иши бўйича хулосаси (“Энг яхши битирув малакавий иши” номинацияси бўйича танловда иштирок этаётганлар учун);
- банк соҳасига тегишли бўлган илмий гоёнинг такомиллашган варианты (тегишли ҳисоб-китоблар билан бирга);
- “Хамкорбанк” “Ходимларни танлаш ва ишга қабул қилиш комиссияси” суҳбатидан ўтган бўлиши талаб этилади.

Танлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар туپламни кўриб чиқади ва ҳар бир номинация бўйича голибликка даъвогар 3 та талабанинг ишини танлаб олади.

Ташкилий қўмита Комиссия томонидан ҳар бир номинация бўйича голиб сифатида танлаб олинган 3 тадан 9 нафар талаба билан яқуний суҳбатни ўтказилади.

Маъмур суҳбатдан муваффақияти ўтган тақдирда ҳар бир йўналиш бўйича 1 нафардан талаба танлов голиби деб тасдиқланади



## HAMKORBANK

Бакалаврият “БАНК ИШИ” йўналишининг 2 - 4 босқич талабалари ўртасида ГРАНТ ажратилишини маълум қилади



Йўналишлар:

“ЭНГ ЯХШИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ”

“ЭНГ ЯХШИ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА”

“ЭНГ ЯХШИ БАНК ХИЗМАТИ ҒОЯСИ”



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

#### “ЭНГ ЯХШИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ”

Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факультетининг 5340700 “Банк иши” бакалавриат йўналиши битирувчи курс талабалари ўртасида ўтказилади.

“Энг яхши битирув малакавий иши” номинацияси бўйича танловда ғолиб бўлган талабага энг кам иш ҳақини 10 баробари миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Ғолиб талабани тайёрлаган илмий раҳбарга энг кам иш ҳақини 5 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади

Танлов Ректорнинг “Банк иши” бакалавриат йўналиши битирувчи курс талабаларига битирув малакавий иши мавзуларини бириктириш ва раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги тегишли буйруқнинг имзоланган кундан бошланади. Танлов иштирокчилари ҳужжатларини кўриб чиқиш танлов комиссияси томонидан Якуний Давлат Комиссияси қарори қабул қилинган кундан кейинги ҳафта ичида амалга оширилади. Танлов ғолибларини тақдирлаш тантанали равишда талабаларга дипломлар топшириш маросимида бўлиб ўтади.

Ғолиб чиққан талабалар “ҲАМКОРБАНК” эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мазкур банкга ишга йўлланадилар.

#### “ЭНГ ЯХШИ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА”

Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факультетининг 5340700 “Банк иши” бакалавриат йўналиши 2-3-курс талабалари ўртасида ўтказилади.

“Энг яхши иқтидорли талаба” номинация бўйича танловда ғолиб бўлган талаба тегишли гувоҳнома ва бир ўқув йили (9 ой) давоми ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида “ҲАМКОРБАНК” стипендияси билан тақдирланади.

Ғолиб бўлган

**2-курс** талабаси 3-курсда сентябр-май ойлари учун 9-ой давомида,

**3-курс** талабаси 4-курсда сентябр-май ойлари учун 9-ой давомида ойлик стипендия билан таъминланади.

Ғолиб талабани тайёрлаган илмий раҳбарга энг кам иш ҳақини 5 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади

Номинация бўйича тақдим этилган ҳужжатлар танлов комиссияси томонидан май ойининг биринчи декадасида кўриб чиқилади.

Ғолиб чиққан талабалар “ҲАМКОРБАНК” эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мазкур банкга ишга йўлланадилар.

#### “ЭНГ ЯХШИ БАНК ХИЗМАТИ ҒОЯСИ”

Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факультетининг 5340700 “Банк иши” бакалавриат йўналиши 2-4-курс талабалари ўртасида ўтказилади.

Танловда ғолиб бўлган талаба тегишли гувоҳнома ва энг кам иш ҳақини 20 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади. Ғолиб талабани тайёрлаган илмий раҳбарга энг кам иш ҳақини 5 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади

Танлов ҳар ўқув йилининг сентябрь ойидан бошланади.

Номинация бўйича тақдим этилган ҳужжатлар танлов комиссияси томонидан май ойининг биринчи декадасида кўриб чиқилади.

Ғолиб чиққан талабалар “ҲАМКОРБАНК” эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мазкур банкга ишга йўлланадилар.